Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 73 (7213). ● 15 апрель, 1980 йил ◆ ● СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари олға!

КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил 1 Май ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни —1 Май!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

3. Яшасин мангу барҳаёт революцион интернационал таълимот —марксизм-ленинизм!

4. Яшасин совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи —ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин партия билан халқнинг буюк бузилмас бирлиги!

5. Владимир Ильич Ленининг номи ва иши абадий яшайверсин!

6. Совет Иттифоқ граждандари! Ленинчасига, коммунистчасига яшаш, ишлаш ва курашишни ўрганингиз!

7. Коммунизм бинокори, бутун дунёда тинчлик учун изчил курашчи—улуғ совет халқига шон-шарафлар!

8. Яшасин Советлар мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфи!

9. Яшасин шонли колхозчи деҳқонлар!

10. Яшасин совет халқ зиёлилари!

11. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи!

12. Яшасин Совет Иттифоқи барча миллат ва элатларининг қардошларча дўстлиги ҳамда метиндек бирлиги!

13. Яшасин дунёда биринчи социалистик умумхалқ давлатининг асосий Қонуни—СССР Конституцияси!

Яшасин социалистик демократия!

14. Яшасин халқ депутатлари Советлари!

Меҳнаткашларнинг давлат ва жамият ишларини идора қилишдаги иштироки кенгаяверсин!

15. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини бажариш учун курашингиз!

Ривожланган социализм имкониятларини тўлиқроқ юзага чиқарингиз!

16. Коммунистлар! Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш йўлидаги умумхалқ курашининг пешқадами бўлингиз!

17. Яшасин коммунизм мактаби, жамиятимизнинг мўътабар кучи —совет касаба союзлари!

18. Йигит ва қизлар! Илм-фанни, маданиятни, профессионал маҳоратни сабот билан ўрганингиз! Коммунизм учун актив курашчилар бўлингиз!

Яшасин Коммунистик партиянинг ишончли ёрдамчиси ва жанговар резерви —Ленин комсомоли!

19. Яшасин коммунизмнинг актив бинокорлари — совет хотин-қизлари! Оналарга шон-шарафлар!

Бутун ер юзининг болалари тинч ва бахтиёр бўлсин!

20. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликни такомиллаштиринг, совет халқининг тинч меҳнатини, социализмнинг буюк ғалабаларини сергак туриб пухта ҳимоя қилингиз!

Яшасин шавкатли СССР Қуролли Кучлари!

21. Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги мисли-сиз жасорати асрлар бўйи яшайверсин!

Ватанимиз шон-шавкати, озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлиги, самарадорлиги ва сифатини оширингиз!

Бутун кучни ўнинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллашга сарфлайлик!

23. Коммунистик қурилишнинг олдинги сафида бораётган Қизил байроқли коллективларга, беш йиллик зарбдорларига шон-шарафлар!

24. Саноат ходимлари! Ватанимизнинг индустриал қудратини мустаҳкамлангиз!

Ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ўзлаштиринг-из ва улардан самарали фойдаланингиз!

Янги техника, прогрессив технология, илғор тажрибани жорий этингиз!

25. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантирингиз!

Байкал-Амур магистрали юксак суръатлар билан қурилсин!

26. Оғир саноат ходимлари! Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини оширингиз!

Халқ хўжалигининг ёқилғи, энергия, металл, хом ашёга эҳтиёжини тўлиқроқ қондирингиз!

27. Совет машинасозлари! Серунум, тежамли ва пишиқ-пухта машиналар, приборлар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларини яратингиз!

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга ҳар томонлама кўмаклашингиз!

28. Химия саноати ходимлари! Юксак самарали технологияни жорий этингиз, халқ хўжалигининг химиявий маҳсулот ва материалларга эҳтиёжини тўлароқ таъминлангиз!

29. Саноат ходимлари! Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни оширингиз, турларини кўпайтиринг-из, сифатини яхшиланг-из!

30. Қурувчилар ва монтажчилар! Ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ўз вақтида ишга туширингиз, капитал маблағ самарадорлигини оширингиз!

Сифатли, тежамли, замонавий техника асосида қуринг-из!

31. Транспорт ва алоқа ходимлари! Халқ хўжалигига хизмат қилишни яхшиланг-из, совет кишиларининг эҳтиёжларини кўпроқ қондиринг-из!

32. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ва узлуксиз ривожлантириш учун курашинг-из! Уни индустриялаш ва химиялаш, ерларни мелиорациялаш суръатларини жадаллаштиринг-из, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашни ривожлантиринг-из!

РСФСР Ноқоратупроқ зонасини обод қилишнинг комплекс программасини активроқ амалга оширинг-из!

33. Қишлоқ хўжалиги ходимлари! Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширинг-из!

Ер, техника, ўғитдан яхшироқ фойдаланинг-из!

34. Колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари! Дон, пахта, қанд лавлаги, картошка ва сабзавот етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтиринг-из!

Кўкламги дала ишларини намунали ўтказайлик!

Мўл ҳосил етиштириб, Ватанни қувонтирайлик!

35. Қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари! Чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлангиз!

Гўшт, сут, тухум, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтиринг-из!

36. Қишлоқ хўжалиги, тайёрлов, транспорт, қайта ишлаш ва савдо корхоналарининг ходимлари! Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нобуд бўлишига йўл қўймангиз!

Етиштирилган ҳамма нарсалардан халқ фаровонлиги йўлида фойдаланишни лозим!

37. Савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, маиший хизмат ва уй-жой-коммунал хўжалиги ходимлари! Иш сифатини, совет кишиларига хизмат қилиш маданиятини оширинг-из!

38. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Интизомни мустаҳкамлангиз, иш вақтининг ҳар дақиқасини тежангиз!

Металл, хом ашё, ёқилғи —энергетика ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланингиз!

39. Совет Иттифоқи граждандари! Социалистик мулкни эҳтиёт қилиб асрангиз ва кўпайтирингиз!

Мамлакат бойликларидан оқилона, омилкорлик билан фойдаланингиз, она-табиатни муҳофаза қилингиз!

40. Халқ хўжалиги мутахассислари! Ихтирочилар ва рационализаторлар! Техникани, технологияни, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштиринг-из!

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун курашингиз!

41. Совет олимлари! Тадқиқотларнинг самарадорлигини оширингиз, фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини мустаҳкамланг-из!

Совет фанига шон-шарафлар!

42. Идеология фронтининг ходимлари! Тарбия, ахборот, пропаганда ишининг илмий савияси ва сифатини оширинг-из!

Ҳар бир совет киши коммунистик ғоявийлик, ҳаётда актив позицияда туриш руҳида тарбиялансин!

43. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яратингиз! Совет санъатининг партиявийлиги ва халқчиллиги байроғини баланд кўтариб боринг-из!

44. Халқ маорифи ходимлари! Таълим сифатини оширинг-из! Ёш авлодни коммунизм руҳида, ўқиш ва меҳнатга онгли муносабат руҳида тарбиялангиз!

45. Олий ўқув юртлари ва техникумларнинг ходимлари! Мутахассисларнинг ғоявий чиниқишини ва профессионал тайёргарлигини яхшиланг-из, фанни ривожлантиринг-из, коммунистик қурилишга кўпроқ ҳисса қўшингиз!

46. Революция, уруш ва меҳнат ветеранлари! Ёшларнинг мураббийлари! Ёш авлодни Коммунистик партия билан совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашда актив қатнашингиз!

47. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билим юртларининг талабалари! Совет Ватанини сидқидилдан севинг-из! Илмларни ва меҳнат кўникмаларини қунт билан ўрганинг-из!

Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга ҳозирлик кўринг-из!

48. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Медицина хизматининг сифати ва маданиятини оширинг-из! Фан ютуқлари ва тажрибадан яхшироқ фойдаланинг-из!

49. Физкультурачилар ва спортчилар! Совет спортининг шон-шуҳратини оширинг-из, Москвада бўладиган Олимпиада-80 га сабот билан тайёрланинг-из!

Жисмоний тарбия совет кишиларининг қундалик турмушига сингдирилсин!

50. Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми асосида мустаҳкамланаверсин!

51. Яшасин халқаро ишчилар синфининг синалган ва қудратли қуроли—пролетар интернационализми!

52. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи! Жаҳон социализм системаси ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қардош партиялари ва халқларининг бирлиги ҳамда жипслиги!

53 .Қаҳрамон Вьетнам халқига қардошлик саломи!

54. Мард Лаос халқига қардошлик саломи!

55. Мустақил, озод, халқ Кампучиясини қураётган Кампучия халқига қардошлик саломи!

56. Апрель революциясининг ғалабаларини мардона ҳимоя қилаётган афғон халқига қардошлик саломи!

57. Империалистларнинг аралашувига қарши қатъият билан ҳаракат қилаётган Эрон халқига оташин салом!

58. Капиталистик мамлакатларда монополияларнинг эксплуатацияси ва зулмига қарши, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун фидокор курашчи бўлган ишчилар синфига қардошлик саломи!

59. Мустамлакачилик зулмидан халос бўлишга эришган ҳамда миллий мустақиллик ва социал тараққиётни мустаҳкамлаш учун мардона курашаётган халқларга қардошлик саломи!

60. Империализмга қарши, қитъани мустамлакачилик ва ирқчиликдан батамом халос қилиш учун, озодлик, мустақиллик ва социал тараққиёт учун курашаётган Африка халқларига оташин салом!

61. Мустақилликни курашиб қўлга киритган Зимбабве халқига оташин салом!

62. Реакцияга ва фашизмга қарши, ўз мамлакатларини демократик йўлдан ривожлантириш учун курашаётган Лотин Америкаси халқларига оташин салом!

63. Қаҳрамон Никарагуа халқига оташин салом!

64. Фашистлар реакциясига қарши фидокорона курашаётган Чили ишчилар синфига, барча меҳнаткашлари ва демократларига қардошлик саломи!

65. Халқларнинг озодлиги, демократия ва социализм учун мард курашчилар—қамоқларда ва фашизм зиндонларида азоб чекиб ётган кишиларга қардошлик саломи!

Империализм ва реакция тутқинларига озодлик!

66. Замонамизнинг уч асосий революцион кучи — жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатининг қудратли енгилмас иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

67. Исроил агрессиясига ва империализм зўравонлигига қарши курашаётган араб халқларига оташин салом!

Совет — араб дўстлиги мустаҳкамланаверсин!

68. Европа мамлакатларининг халқлари! Ғарбий Европада Американинг янги ракета-ядро қуроли жойлаштирилишига қарши тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик учун курашингиз!

69. Улуғ ҳинд халқига оташин салом! Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

70. Осиё мамлакатларининг халқлари! Тинчликни мустаҳкамлаш, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатлари учун, Осиёда хавфсизликни таъминлаш учун курашингиз!

71. Жаҳон халқлари! Янги жаҳон уруши хавфига қарши, қурол-яроғларни қисқартириш учун, кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш учун курашни кучайтиринг-из!

Империализм, гегемонизм, милитаризм ва реваншизмнинг агрессив кирдикорларига зарба беринг-из!

72. Жаҳон халқлари! Ядро қуролини ва оммавий қирғин қуролининг бошқа ҳамма турларини тақиқлаш учун изчиллик билан ҳаракат қилинг-из!

Қуролланиш пойгасининг янги даврасига қатъиян «Йўқ» деб жавоб беринг-из!

73. Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати!

74. Яшасин улуғ Ватанимиз —Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

75. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети

ЧИГИТ УНИБ ЧИҚДИ

Бекобод районидаги А. Мавлонов номли совхоз коллективи чигит экишни тугаллади. Беш иш кунида 2280 гектар майдонга уруғ ташланди. Чигит экиш билан бир йўла ҳар гектар майдонга 150 килограммдан минерал ўғит солиниди ва гербицид сепилди. Барака уруғи қадашда илғор механизаторлар А. Абдурашидов, К. Ҳасанов, М. Рисбоевлар бошқарган экиш экипажлари намуна кўрсатишди.

Экишни биринчилар қатори тугаллаган 5, 6-бўлимларда чигит униб чиқа бошлади. Пахтакорлар қатор ораларига ишлов беришга таййргарлик кўришмоқда.

* * *

«Партия XXII съезди» колхозининг М. Абдурахмонов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам Оққўрғон районида биринчи бўлиб чигитни ундириб олдилар. Улар 146 гектар майдонга сифатли уруғ ташладилар.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Узбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш бўйича 1980 йилги тадбирларни муддатидан илгари бажариш учун районлар, совхоз-колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг уч ойлик якунини кўриб чиқдилар.

Узбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районига** (район партия комитетининг секретари Р. Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси Х. А. Аҳмедов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ж. Х. Ҳайдаров, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси С. Исмоилов, район комсомол комитетининг секретари Р. Низомов ўртоқлар) берилди. Бу районда давлатга гўшт сотиш 1979 йилга нисбатан 32 процентга, сут — 19,9 процентга, тухум 20 процентга кўпайтирилди ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, қорамол ва паррандалар бош сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини оширишда энг юқори ўсишга эришиш таъминланган.

Байроқ Бўка районидан олиб берилади.

Узбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районидаги Охунбобоев номли совхозга** (директори А. Е. Бакиров, партия ташкилотининг секретари Б. Бердимуродов, ишчилар комитетининг раиси Г. Ражабов, комсомол ташкилотининг секретари Б. Тоғаев ўртоқлар) берилди. Бу совхозда давлатга гўшт топшириш 1979 йилга нисбатан 30,4 процентга кўпайтирилган ҳамда қўзи олиш бўйича социалистик мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилган.

Байроқ Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхозтехникумидан олиб берилади.

Узбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент районидаги Ильич номли колхозга** (раиси С. Раҳматуллаев, партия ташкилотининг секретари А. Қозоқбоев, касаба союз ташкилотининг раиси Ш. Баҳодиров, комсомол ташкилотининг секретари М. Бўрибоев ўртоқлар) берилди. Бу колхозда давлатга гўшт сотиш йиллик ҳажми 115,5 процент, тухум сотиш бўйича уч квартал ҳажми 107,6 процент бажарилган, давлатга сут сотишда 1979 йилга нисбатан 9,8 процент ўсишга эришилган ҳамда қорамоллар ва паррандалар бош сони кўпайтирилиб, уларнинг маҳсулдорлиги оширилган.

Байроқ Калинин районидаги Калинин номли колхоздан олиб берилади.

Область план бўлимига Калинин районига, Калинин районидаги Охунбобоев номли совхозга, Тошкент районидаги Ильич номли колхозга социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан руҳланган Калинин районидаги Охунбобоев номли қўйчилик совхози коллективи қўзи олиш бўйича оширилган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарди. Пландаги 14 минг 944 ўринга 18 минг 691 бош қўзи олиниб, уларнинг ҳаммаси ўстиришга қолдирилди. Ҳар 100 бош совлиқдан пландаги 92 ўринга 115 тадан қўзи олинди.

Бу меҳнат ғалабасига ҳар 100 бош совлиқдан 124 тадан қўзи олган Ж. Туймабоев бошқарувчилик қилаётган 3- ва 123 тадан қўзи олган С. Адеев бошқарувчилик қилаётган 1-бўлимлар чўпонлари, айниқса, катта ҳисса қўшдилар.

Шунингдек қувонарлиги, совхозда қўзи олиш планини бажармаган биронта ҳам чўпон йўқ. 31 та чўпонлар бригадаси ҳар 100 бош совлиқдан 120—141 тадан қўзи олди. Бош чўпонлардан М. Адеев, Т. Таттибоев, К. Борлибоев, А. Тулбоснев, К. Жонқўзиев ва М. Адамтоевлар эса бу кўрсаткични 137—141 тага етказдилар.

Хўжалик чорвадорлари қўйлар қишловини беталафот ўтказиб, барча қўй-қўзиларни тўла сақлаб қолишга муваффақ бўлишди. Совхозда гўшт етиштириш ўтган йилга нисбатан 474 центнерга ёки 41 процентга, давлатга гўшт топшириш эса 460 центнерга ёки 44 процентга ортди.

Чорвадорлар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг чорва моллари озуқаси етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги қарорига амалий иш билан жавоб бериш учун бу йил икки план миқдорида дағал хашак жамғаришга аҳд қилишди. Бунинг учун пичан ўрими уюшқоқлик билан ўтказилади.

Совхоз коллективи биринчи ярим йилликдаёқ давлатга гўшт топшириш бўйича йиллик планни бажариш, гўшт учун топшириладиган қўйларнинг тирик вазнини 52 килограммга етказишни мўлжаллаяпти.

19 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИГА ҲОЗИРЛИК

Район далаларида экин экиш кампанияси қизғин давом этаётган шу кунларда пискентликлар 19 апрель— коммунистик шанбаликда актив қатнашишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Меҳнат байрами куни 1-«Пискент» совхозида 2200 киши далага чиқади. 250 нафар ишчи ободончилик ишларида қатнашади. Шу кунги иш ҳақидан 6500 сўм беш йиллик фондига ўтказилади. 2-«Пискент» совхозининг аъзоматлари коммунистик шанбаликда самарали ва сифатли ишлашга азму-қарор қилишган. Бир неча минг туп мевали ва манзарали кўчатлари, гуллар ўтқазилади.

Умуман райондаги барча совхоз ва колхозлар, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, муассасалар коллективлари шанбаликка пухта тайёргарлик кўришяпти. 3-кўчма механизациялашган колоннадан 175, пахта заводидан 210 киши шанбаликда иштирок этади.

Қизил шанбаликда саноат корхоналари коллективлари 73 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришади, бунёдкорлар 15 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарадилар.

Б. СОЛИҲОВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 14 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — район-лар, иккинчи устун — бир кунлик ўсиш, учинчи устун — мавсум бошидан бери.

Бекобод	—	100
Ғалаба	17	100
Коммунистик	12	100
Бўка	8	98
Чиноз	14	98
Оққўрғон	6	96
Пискент	14	88
Янгийўл	15	88
Ўрта Чирчиқ	14	81
Область бўйича	9	94



ЛЕНИНИЗМ ЯШАМОҚДА ВА ҒАЛАБА ҚОЗОНМОҚДА

1980 ЙИЛ Владимир Ильич Ленин таваллудининг 110 йиллиги нишонланаётган, КПСС XXVI съездига фаол тайёргарлик кўрилаётган йилдир. Ленин юбилейи бутун ишларимизга янгича бир жўшқинлик, зўр кўтаринкилик руҳини бағишламоқда. Биз Ленин байроғи остида меҳнат қилмоқдамиз, курашмоқдамиз ва яшамоқдамиз. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида айтганидек, совет халқининг ҳозирги кундаги бунёдкорликлари Октябрь ишларининг бевосита давомидир. Бу бунёдкорликлар улуғ Ленин ғояларининг амалда мужассамланганидир.

Тошкент область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг редакциялари билан биргаликда ўтказган навбатдаги давра суҳбати доҳий туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланди.

Давра суҳбатида Бекобод шаҳар партия комитетининг секретари Т. Я. ВОРОНИНА, «Ташметрострой» трести партия комитетининг секретари В. С. АРТЮШЕНКО, «Билим» жамияти Оққўрғон район ташкилотининг масъул секретари М. Х. ЮСУПОВА, «Социалистический Чирчик» газетаси редактори Л. А. СЕМЕНОВ, Янгиёўл районидаги «Ленинизм» колхози Меҳнат шуҳрати музейининг директори Ш. ҲАСАНОВА, СоюзНИХИ кичик илмий ходими, снёсий ахборотчилар группасининг раҳбари Х. М. УСМОНОВ, Янгнобод шаҳридаги 1-маданият уйининг директори А. С. БАГАУТДИНОВА, В. И. Ленин номидаги Тошкент электротехника заводи радио эшиттириш редактори Е. Л. МУҲАММАДЕРОВА ўртоқлар қатнашдилар.

Давра суҳбатини область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Г. А. АИРАПЕТЯНЦ олиб борди.

Т. Я. ВОРОНИНА:
ЮБИЛЕЙГА МУНОСИБ МЕҲНАТ

— КОММУНИСТЛАР шаҳримизда амалга оширилаётган барча шонли ишларга бош-қош бўлмоқдалар. Бугунги кунда улар В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш, ўнинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун бошланган социалистик мусобақанинг авангардида бормоқдалар.

Бекобод меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, 22 апрелгача плондан ташқари 1 миллион 400 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга қарор қилдилар.

Меҳнат коллективлари металлургларнинг «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига — 110 зарбдор меҳнат вахтаси» ташаббусини кенг қўллаб-қувватладилар. Эндиликда шаҳардаги 2 мингдан ортиқ ишчи ана шу шиор остида ишламоқда. «Бекабадцеммеремонт» заводи илғор ишчиларининг ташаббуси ҳам кенг ёйилмоқда. Ана шу корхона зарбдорларидан Г. Гаппарова ва У. Умарова, тикув фабрикаси ишчиси М. Ким бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажаришга сўз беришган.

Доҳий юбилейига тайёргарлик бутун идеология ишимиз савиясини яхшилашда муҳим босқичдир. Бошланғич партия ташкилотларида, идеология активи йиғилишларида КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарори муҳокама этилди. Меҳнаткашларни доҳий ҳаёти ва фаолияти мисолида тарбиялаш борасида конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди.

Коммунистлар ва партиясизлар маркса-ленинча ўқувига алоҳида аҳамият берилмоқда. Партия таълими системасида шуғулланаётган тингловчиларнинг 90 процентдан кўпроғи Ленин тематикаси бўйича курсларни ўрганмоқдалар. В. И. Ленин асарларига бўлган қизиқиш анча ортди. Шаҳар кутубхоналарида назарий конференциялар, Ленин ўқишлари уюштирилмоқда. «Ленин иши яшамоқда ва ғалаба қозонмоқда» мавзудаги ижтимоий-сиёсий ўқишлар катта тарбиявий аҳамият касб этмоқда.

Корхоналарда муассасалар, ўқув юртлари, клублар ва маданият саройларида «КПСС ленинча ташқи сиёсати амалда», «Ленин ҳамиша барҳаёт», «Ленин кўрсатган йўлдан» мавзуларида лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

В. С. АРТЮШЕНКО:
МЕТРОЧИЛАР ШОНЛИ САНАГА

— ҲАР бир совет кишисининг ҳаётини доҳий ғоялари офтобдек ёритиб турибди.

Биз «В. И. Ленин майдони» метро станцияси қурилишига алоҳида бир масъулият билан ёндошганлигимиз ёдимда. Бутун коллектив ўшанда ана шу станцияда ишлаш учун мусобақалашган эди. Эндиликда у Тошкент метрополитенида энг илғор станция ҳисобланади.

Бу йил ҳам биз ленинчасига, зарбдорчасига меҳнат қилдик. Коллективимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Беш йиллик якунловчи йилида ҳам юқори суръат билан ишлаяпмиз. Социалистик мажбуриятларимизда беш йиллик планни доҳий таваллудининг 110 йиллигигача бажариш ҳамда Бутуниттифоқ қурувчилар кунигача, яъни муддатидан анча аввал, метрополитен биринчи линиясининг иккинчи навбатини фойдаланишга топширишдек масъулиятли вазифалар белгиланган.

Ленин юбилейи ишимизга алоҳида завқ-шавқ бағишламоқда. Метрополитен партия комитети социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлашга астойдил ҳаракат қилиб, ғоявий-сиёсий ишларнинг барча воситаларидан самарали фойдаланмоқда.

Бизда штатсиз лекторлар группаси, отряди снёсий агитация активлари ҳам фаол иш олиб бормоқда. Сиёсий докладчилар, агитаторлар ва снёсий ахборотчилар Ленин ҳаёти ва фаолияти тўғрисида суҳбатлар уюштирмоқдалар.

М. Х. ЮСУПОВА:
ДОҲИЙ МЕРОСИНИ ТАРҒИБ ЭТИБ...

— В. И. ЛЕНИН асарларини ўқир эканмиз, улар ҳозирги кунимиз учун жуда актуал эканлигини яна бир карра ҳис қиламиз.

Бизнинг лекторларимиз ҳам Ленин назарий мероси хазинасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Районимиз меҳнаткашларига ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва интенсив технологияларни тўғрисидаги партия талаблари ленинча аграр сиёсатга тўла-тўкис асосланганлигини гапириб бермоқдамиз. Оққўрғон район партия комитети ва район ташкилоти ўтказган навбатдаги илмий-амалий конференция ана шу масалага бағишланди.

«Билим» жамияти район ташкилотининг аъзолари Ленин назарий меросини тарғибот қилиш борасида катта иш олиб бормоқдалар. 450 лекторнинг учдан бир қисмидан кўпроғи ижтимоий-сиёсий мавзулар бўйича лекция ва суҳбатлар уюштирмоқдалар. Ўтган уч ой мобайнида улар доҳий ҳаёти ва фаолиятя тўғрисида 400 га яқин лекция ўқишди.

Раҳбар кадрларнинг идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлардаги актив иштироки таъминланмоқда. Область партия комитети қарори билан бизда ягона сиёсий кун ўтказилмоқда. Партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, лекторлар, сиёсий докладчилар ва ахборотчилар коллективларда, турар-жойларда меҳнаткашлар билан учрашиб, партиянинг ҳозирги ички ва ташқи сиёсати масалалари, район меҳнаткашларининг шонли саҳнани кутиб олишда эришаётган муваффақиятлари тўғрисида сўзлаб бермоқдалар.

Л. А. СЕМЕНОВ:
БОЛЬШЕВИСТИК МАТБУОТ АНЪАНАЛАРИ

— КПСС Марказий Комитетининг идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисидаги қарори биз, журналистлар учун программ ҳужжат бўлиб қолди.

Шу қарор асосида редакциямизда шаҳар меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш масалаларини ёритиш бўйича комплекс план тузилди.

Доҳий таваллудининг 110 йиллигига тайёргарлик бу борадаги ишимизни янада активлаштирди. Эндиликда чирчиқликлар ўз шаҳарларини намунали коммунистик шаҳар бўлиши учун курашмоқдалар. «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз» шиори остида меҳнат, ўқиш, маданият ва спорт эстафетасида қатнашмоқдалар.

Редакциямиз коллективи большевистик матбуот нинг ленинча анъаналарига риоя қилиб, ҳаёт билан мустаҳкам алоқада бўлишга интилмоқда. Меҳнаткашларга партия қўйётган вазифаларни амалга оширишда, уларнинг меҳнатдаги фаоллигини юксалтиришда ёрдам беришга астойдил интилмоқда.

Ийл бошида газетамиз «Ўзбекхиммаш» заводи программали бошқариладиган участкаси, пойафзал фабрикаси тикув участкаси коллективларининг ташаббусини батафсил ёритди. Бу коллективларнинг доҳий юбилейини муносиб кутиб олиш юзасидан бошлаган ташаббуслари шаҳар партия комитети бюроси томонидан тасдиқланди. Шунингдек, биз ленинча зарбдор вахтада туриб ишлаётган энг илғор кишиларимиз тўғрисида очерк ва лавҳалар босиб чиқармоқдамиз.

Ш. ХАСАНОВА:
ЁРҚИН КЎЗГУ

— ҲОЗИР колхозимизда дала ишлари кун сайин қизиб бормоқда. Хўжалигимиз аъзолари юбилей йилида пахтадан янада юқори ҳосил олишга астойдил бел боғлаб меҳнат қилмоқдалар.

Колхоз партия ташкилоти шонли сана муносабати билан кўпгина тадбирлар ўтказмоқда. Жумладан, Ленин ғояларини тарғиб қилишда, дала меҳнаткашларининг ҳозирги муваффақиятларини ёрқин кўрсатишда музейимиз коллективи фаол иш олиб бормоқда. Музей экспонатлари Ленинча кооперация планининг тантанаси, колхозимиз қандай ўтказилиб, мустаҳкамланиб борганлиги ҳақида, деҳқонларимиз доҳий ғояларини қандай амалга ошираётганликлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Музейимиз айниқса шу кунларда гавжум. Бу ерда ёшларнинг меҳнат ветеранлари билан учрашувлари ўтказилди. Колхоз қурилишининг бошловчилари, машҳур пахтакорлардан Ф. Мавлонов, М. Мусаев, А. Хасанов, Т. Раҳмонов ва бошқаларнинг ўша оловли йиллар тўғрисидаги хотиралари ҳаммада катта қизиқиш уйғотди.

Биз Ўзбекистонда ленинизм тантанаси тўғрисида ҳикоя қилувчи экспонатларни янгилаб, янада кўримли қилдик. Қишлоғимиздан чиққан Ленин ордени кавалерлари тўғрисида ҳикоя қилувчи махсус стенд ўрнатдик.

Х. М. УСМОНОВ:
ОЛИМЛАР ИЗЛАНИШДА

— РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтлари каби бизнинг институтимиз коллективи ҳам шонли санани муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, меҳнат қилмоқда.

Биз бутун куч-ғайратимизни беш йилликка мўлжалланган илмий-тадқиқот ишларини бажаришга қаратмоқдамиз.

Институт ходимлари ғўза парвариши агротехникаси, ғўзит солиш нормалари, суғоришнинг оқилона режимларига оид муҳим масалаларни ишлаб чиқмоқдалар. Фан ва илғор тажриба муваффақиятларини ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида анчагина ишлар амалга оширилди.

Институтимиз ходимлари, сиёсий ахборотчиларимиз, область колхоз ва совхозларида тез-тез бўлиб, жойларда лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар, ўз соҳалари бўйича консультациялар уюштирмоқдалар.

Институтда «В. И. Ленин, КПСС, фан, маориф ва тарбия тўғрисида», «Ўзбекистонда ленинча ғояларнинг амалга оширилиши» каби мавзуларда илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Партия маорифининг барча звеноларида Ленин назарий меросини, Л. И. Брежнев асарларини янада чуқур ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда.

А. С. БАГАУТДИНОВА:
ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР

— ШАҲРИМИЗДА кўпгина маданият саройлари, клублар ва кутубхоналар бор. Ишчи ва хизматчилар уларни ҳурмат билан «маданият цехлари» деб аташади.

Чиндан ҳам бу ерларда ҳар бир киши ўз билим савиясини оширишга, маҳоратли ҳордиқ чиқариши учун яхшигина шарт-шароит яратиб берилган.

Ана шу маданий-оқартув муассасаларида партия ва комсомол ветеранлари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Яқинда, Ленин ордени таъсис этилганлигининг 50 йиллиги арафасида, ана шундай учрашувлардан бири ўтказилди. Унда Ватанинг ана шу олий мукофотини олган В. Чижов, Д. Фозилов, Н. Макаров ва бошқа ўртоқлар ёшларга ўз ҳаёт йўллари тўғрисида гапириб бердилар. Йиғилганларга «Ленин ордени» номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Юбилей олди кунларида маданият саройларида комсомол-ёшлар бригадалари иштирокида кечалар ўтказилади, ленинча зарбдор вахтага якун ясалади.

Янгиободликлар яна бир катта воқеанинг шоҳиди бўладилар: юбилей арафасида шаҳар марказий майдонида Владимир Ильич Ленинга ёдгорлик очилади.

Е. Л. МУҲАММАДЕРОВА:
«МАСОФАСИЗ ГАЗЕТА» ОРҚАЛИ

— ҚАДРЛИ ўртоқлар! Бугун биз сизларга Ленин орденига сазовор бўлган кишилар тўғрисида сўзлаб берамиз. Шулардан бири катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, машҳур ишчи Тешабой Муҳаммаджоновдир».

Мен Ватаннинг олий мукофотига сазовор бўлган кишилар тўжрисидаги эшиттиришни ана шу сўзлар билан бошладим. Корхонамизга доҳий номи берилган. У Ленин ордени билан мукофотланган.

Коллективимиз аъзолари Ленин ордени кавалерлари — Т. Муҳаммаджонов, А. Петровский, М. Воронцова, М. Александрова, Н. Давидов, О. Нажмиддинова, Н. Калякина ва бошқа ўртоқлар тўғрисидаги радиоочеркларни зўр қизиқиш билан тингладилар.

Корхона партия комитети таклифига биноан, доҳий юбилейини муносиб кутиб олаётган энг яхши ишчилар, бригада бошлиқлари, социалистик мусобақа илғорлари тўғрисида радио орқали сўзлаб бермоқдамиз. Комсомол-ёшлар бригадалари тўғрисидаги эшиттиришларни эса Ленин дарси билан якунладик.

Шунингдек, ленинча коммунистик шанбаликка, Фахрий Ленин ёрлиқлари топширилишига бағишлаб маҳсус эшиттиришлар тайёрлаганмиз.

Корхона партия комитети ленинча ишларни давом эттириш, ўзининг ташкилотчилик ва сиёсий ролини ошириш, ҳар бир коммунистнинг ишлаб чиқаришдаги ташаббускорлигини кучайтириш, ҳар бир ишчи ва хизматчининг ижодий имкониятларини ишга солиш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш, ишчиларнинг моддий ва маданий турмушини яхшилаш борасида ҳам кўп ишларни амалга оширди.

ДАВРА суҳбат қатнашчилари шуни ишончли билан таъкидладиларки, В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигига тайёргарлик область меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини янада кучайтириш имконини берди. КПСС Марказий Комитетининг идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисидаги қарорини бажариш борасида каттагина ишлар амалга оширилди.

Юбилей социалистик мусобақаси область меҳнаткашларининг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини янада оширишга кўмаклашди. Бошланғич партия ташкилотлари, бутун идеология ходимларининг бутун фаолияти бундан буён ҳам ана шу масалаларга қаратилаверади.

МУСОБАҚА ШАРТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

ОЛМАЛИҚ—ЧИРЧИҚ

Мусобақадош шаҳарлар саноатининг 1980 йил январь—март ойларидаги иш якунлари қўйидагича бўлди:

	Олмалиқ	Чирчиқ
Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида	93,1	102,8
Реализация планининг бажарилиш проценти	100,8	101,7
Шундагидан ташқари реализация қилинган маҳсулот миқдори — минг сўмлик	1114	2105
Маҳсулот реализация қилиш планини бажармаган корхоналар сони	2	1
Меҳнат унумдорлиги планининг бажарилиш проценти	100,9	102,4
Меҳнат унумдорлигининг ортиш суръати—процент ҳисобида	91,4	102,9
Меҳнат унумдорлиги бўйича планни бажармаган корхоналар сони	3	4

ОЛМАЛИҚ шаҳар саноат корхоналари коллективлари ўнинчи беш йиллик сўнгги йилининг биринчи квартали планини маҳсулот реализацияси бўйича ошириб бажардилар. Лекин шу муддат учун белгиланган социалистик мажбурият тўла адо этилмади. Ваъдадагига нисбатан 12 минг сўмлик кам маҳсулот реализация қилинди. Шаҳар индустрияси ходимлари асосий маҳсулот турларини натурада ишлаб чиқариш планини бажармоқдалар. Биринчи квартал давомида плондагидан ташқари 7,1 минг тонна минерал ўғитлари, 28 минг сўмлик мебель, 23 тонна сунъий ювиш воситалари, 44 тонна гўшт ишлаб чиқарилди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш плани 100,9 процент қилиб адо этилди. Ҳар бир ишловчи ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 8,6 процент камайиб кетди.

Шаҳардаги айрим корхоналар реализация планини уддаламади. Айниқса, 5-темир-бетон буюмлари заводи коллективи қонқарсиз ишлади. Корхона март ойи ва биринчи квартал планини бажармади. Шу давр ичида белгиланганига нисбатан 205 минг сўмлик маҳсулот кам реализация қилинди. Қурилишларга 5,7 минг кубометр кам йиғма темир-бетон етказиб берилди. Тўрт корхона ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажармади ва бу кўрсаткичнинг ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан камайиб кетишига йўл қўйди. Уч корхона эса меҳнат унумдорлигини ошириш планининг уддасидан чиқмади. Етти корхонада ҳар бир ишловчи ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори камайиб кетди.

ЧИРЧИҚ шаҳар саноат корхоналари ишчи-хизматчилари биринчи квартал планини реализация бўйича ортиғи билан адо этдилар. Шаҳарда биринчи квартал давомида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Шаҳар индустрияси ходимлари социалистик мажбуриятнинг биринчи квартал учун мўлжалланган қисмини ортиғи билан адо этдилар. Шу давр ичида эл-юрт олдида берилган ваъдадагига қўшимча 979 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Саноатчилар асосий маҳсулот турларини натурада ишлаб чиқариш планини бажаришга эришмоқдалар. Биринчи кварталда плондагидан ташқари 88 минг сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари, 72 та трактор культиваторлари, 17,8 минг тонна минерал ўғитлари, 600 тонна синтетик аммиак, 23 минг сўмлик тикувчилик буюмлари, 18 минг жуфт пойафзал ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шунингдек, химия асбоб-ускуналари, компрессорлар, йиғма темир-бетон буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқариш плани ҳам бажарилди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи 102,4 процент қилиб адо этилди. Ҳар бир ишловчи ҳисобига тайёрланган маҳсулот миқдори ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 2,9 процент ортди.

Лекин маҳсулот реализация қилиш йиллик планининг бажарилиши кўнгилдагидек бўлмаяпти. Чунки, биринчи квартал мобайнида йиллик планда назарда тутилган маҳсулотнинг фақатгина 24,4 процентига реализация қилинди, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичи эса 24,2 процентни ташкил этди. Агар ишчи кунлари сонини ҳисобга оладиган бўлсак, бу кўрсаткичлар 25 процентдан кам бўлмаслиги керак эди.

Шаҳарда икки корхона ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажармади, беш корхона эса ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан камайтириб юборди. Тўрт корхона меҳнат унумдорлигини ошириш планининг уддасидан чиқмади, беш корхона эса ҳар бир ишловчи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини камайтириб юборди.

ДОҲИЙ НОМИ БИЛАН

НУРЧИЛАР ЙИҒИЛИШИ

ДОҲИЙ В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини улкан меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олишга ҳаракат қилаётган Чорвоқ нурчилари бу борада қатор тадбирларни амалга оширишмоқда. Яқинда «Чарвакгэсстрой» қурилиш бошқармаси коммунистларининг «Ленинчасига, коммунистчасига яшайлик, ишлайлик ва курашайлик» деган мавзуда умумий партия йиғилиши бўлиб ўтди.

Бу мавзуда бошқарма партия комитетининг секретари Ю. Немченко доклад қилди.

Чорвоқлик нурчилар юбилей йилида ҳақиқатан ҳам зарбдор меҳнат қилиб, ойлик план-топшириқларини мунтазам ошириб бажаришмоқда. Улкан қурилиш объекти — Ғазалкент ГЭСи бунёдкорлари 22 апрелга тўғрони қуриб, Чирчиқ дарёсини тўсишга аҳд қилишган.

Партия йиғилишида қилинган доклад ва музокараларда доҳий юбилейига жойларда пухта тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида, резерв ва имкониятларни янада кўпроқ ишга солиб, қутлуғ санани муносиб кутиб олиш ҳақида атрофлича фикр юритилди.

СИНОВ ИЛҒОРЛАРГА ЁРЛИҚЛАР

КОМСОМОЛ-ёшларнинг ленинча зачётлар топшириш ажойиб анъанага айланиб қолди. Бундай синовларда В. И. Ленин асарларини мутолаа қилиш, партия ва ҳукуматимизнинг қарорлари ҳамда ҳужжатларини ўрганиш, халқаро аҳволдан атрофлича бохабар бўлиш, бошқа снёсий масалаларни пухта билишга алоҳида эътибор берилади.

Ўрта Чирчиқ ГЭСлар тизмасининг комсомоллари доҳий туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига Ленинча зачёт топширдилар.

Зачёт ҳар бир комсомол билан суҳбат тариқасида ўтди. Уларга берилган саволлар ҳар хил эди: комсомол фаолияти, ишдаги муваффақиятлар, нуқсонлар ва камчиликлар ҳамда уларни қандай бартараф қилиш, келажак режалари... Кейин эса асосий мавзу — маркса-ленинча философия, В. И. Ленин асарлари ҳамда халқаро аҳвол тўғрисида фикр юритилди.

Ўрта Чирчиқ ГЭСлар тизмаси қурувчилари самарадорлик ва сифат бешйиллигининг сўнгги йилида фидокорона меҳнат қилишяпти. Бунёдкорлар смена ва ойлик планларини мунтазам муддатидан илгари адо этишмоқда. Бу муваффақиятларда пешқадам ишчи ва хизматчиларнинг ҳиссаси салмоқли бўляпти.

Яқинда «Чарвакгэсстрой» ва унинг ёрдамчи пудратчи ташкилотларининг 70 кишидан иборат илғорлари Ленин Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. 3-қурилиш бошқармасининг бригадири Н. Мирсоатов, экскаватор машинисти А. Неня, монтажчилар бригадири В. Крижановский, 6-қурилиш бошқармаси бетончиси Г. Чернов, 2-қурилиш бошқармаси бульдозерчиси П. Земляновлар шулар жумласидандир.

Шахсий меҳнат беллашувининг ғолиблари бўлмиш илғор қурувчилар юксак мукофотдан руҳланиб, зиммаларига янги оширилган мажбуриятлар қабул қилишди. Уларнинг кўпчилиги доҳий В. И. Ленин юбилейигача шахсий беш-олти йиллик планларини бажаришга ваъда бердилар.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

Пискент район партия комитетида аҳлоқий тарбия темасига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Йиғилишда район партия комитетининг секретари М. Эргашева «Ривожланган социализмда меҳнаткашларни ғоявий-аҳлоқий тарбиялаш» мавзуида доклад қилди.

Конференция қатнашчилари район халқ маорифи бўлимининг катта инспектори Л. Сергееванинг «Мактабларда ёшларни ғоявий-аҳлоқий тарбиялашда мактаб ҳамда жамоатчиликнинг ҳамкорлиги», пахта тозалаш заводи ишчилар комитетининг раиси Е. Туроновнинг «Ишчиларни ғоявий-аҳлоқий тарбиялашда социалистик мусобақа ва мураббийчилик ҳаракатининг роли», Тельман номли колхоз партия комитетининг секретари У. Душаевнинг «Ғоявий-аҳлоқий тарбиянинг план ва социалистик мажбуриятларни бажаришдаги таъсири» каби темалардаги докладларини қизиқиш билан тингладилар.



ПОЙТАХТДАГИ 243-граждан авиацияси ремонти заводининг коллективи доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга ҳаракат қилаяпти. Х. Абдураззоқов бошлиқ бригада коллективи меҳнат беллашувининг олдинги сафида бормоқда. Суратда: бригадир Х. Абдураззоқов ва илғор ишчилар В. Иванкин, О. Вавилина, Д. Сиддиқовалар.

И. Глауберзон фотоси.

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

ПОЙТАХТ областимизнинг территорияси катта. Областдаги ўнлаб катта-кичик шаҳарлар ва районларни автобус-маршрутлари билан бирлаштириш яхши йўлга қўйилган. Ҳозир бironта шаҳар ёки район йўқки, уларга маршрутли автобуслар бормайдиган бўлсин.

Пойтахтимиздаги «Самарқанд» автостанцияси янги «Тошкент» автостанциясига фойдаланишга топширилгандан буён фақат пойтахт областига хизмат кўрсатмоқда. Бу ердан ҳар куни юзлаб автобусларда минглаб йўловчилар сафарга отланишади. Уларга қулайлик яратиш мақсадида яқинда бу ерда кутиш зали қуриб фойдаланишга топширилди. Кутиш залида вақтни зерикмай ўтказиш учун турли хил спорт автоматлари ўрнатилган, радио карнайдан куй ва қўшиқлар янграб турадн.

Ф. ШАЙМУҲАМЕДОВА,
ишчи-мухбирдар университетининг тингловчиси.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

МЕҲНАТ БАЙРАМИДА

Коммунистик ҳамда Паркент райони меҳнаткашлари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўришяпти. Улар москваликларнинг ватанпарварлик ташаббусларига қўшилиб, 19 апрель куни ўтадиган Коммунистик шанбаликда фаол иштирок этадилар. Шу куни 60 минг 200 киши меҳнат байрамига чиқиб, шулардан 2056 киши саноат, 896 киши транспорт, 3154 киши қурилиш ва 15 минг 264 киши колхоз ва совхозлардаги ўз иш жойларида ишлашади. Шанбалик куни юксак меҳнат унумдорлигига эришилиб, ишлаб топилган мабдаг беш йиллик фондига ўтказилади.

Қ. ҚАРИМОВ.

СТУДЕНТЛАР ҲИССАСИ

КОММУНИСТИК шанбаликда барча олий ўқув юртларининг коллективлари каби бизнинг институтимиз талабалари ҳам актив қатнашиш тадбирларини кўришмоқда. Ҳар йили ўтказиладиган бундай шанбаликлар алоқачи студентлар учун ҳақиқий меҳнат байрамига айланиб қолган.

Шанбаликда юзлаб студентлар «Ўзбексельмаш» заводи территориясида ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш ишларида қатнашади. Тайёрлов бўлимининг 130 тингловчилари эса институт яқинидаги Жаҳон Обидова кўчасида дарахт ва гул кўчатлари ўтказишади.

Ш. САЛАЕВА,
Тошкент алоқа-электротехника институтининг студенти.

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАР КЕНГАЯДИ

Янги ташкил этилган Паркент районининг табиати, оби-ҳавоси узум, мева, сабзавот, картошка, ғалла, чорва маҳсулотлари етиштириш учун жуда қулайдир. Айниқса, бу ерлар узумчиликни ривожлантиришга мос бўлиб, келгусида бу соҳа райондаги етакчи тармоқлардан бири бўлиб қолиши керак.

Ҳозир райондаги хўжаликларда 3558 гектар узумзор, 2867 гектар мевазор боғлар бор. Бироқ ҳар гектар боғ ва токзорлардан олинаётган ўртача ҳосил миқдори шу куннинг талабига жавоб беролмайди. Масалан, ўтган йили 66,8 центнердан узум, 28,2 центнердан мева ва 134 центнердан сабзавот ҳосили олинди, холос. Бу райондаги аксарият хўжаликларда деҳончилик маданиятининг ҳали жуда паст эканлигини кўрсатади.

Паркентликлар азалдан узумни сўрига кўтармай ерда парвариш қилишга одатланишган. Бу ҳам ҳосилдорликни оширишга жиддий тўсқинлик қилаётган нуқсонлардан биридир. Ҳозир районда 2592 гектар майдондаги токлар ерда ўсмоқда.

Районнинг илғор соҳибкорлари, боғбонлари ва сабзавоткорларининг яқинда бўлиб ўтган анжуманида ана шу каби камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш, илғор тажрибаларни кенг жорий этиб, узум, мева ва сабзавот ҳосилдорлигини кескин оширишга эришиш масалалари муҳокама қилинди. Ингилиш қатнашчилари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили учун ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар. 1980 йилда узум ҳосилдорлиги 85 центнерга, мева 75 центнерга, сабзавот 165 центнерга етказилади.

Бундан ташқари сабзавот экиладиган ерлар 55 гектар, картошка майдони 60 гектар кенгайтирилади. Уватлар, кераксиз йўл ва ариқлар банд қилиб ётган 400 гектар ер ўзлаштирилиб, тўла гектарлар ҳосил қилинади. Узумзор ва боғлар кенгайтирилади. Шу мақсадда 410 гектар ерда токзорлар, 190 гектар ерда мевазор боғлар барпо этилади. Эски токзорларни схема бўйича қайта жойлаштириш тадбирлари амалга оширилади.

Б. ҲАЛИЛОВ.



Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози сабзавоткорлари далаларга помидор кўчатларини ўтқазишни бошлаб юборди-лар. Дастлабки 12 гектар ерга кўчат экилди. Колхознинг парник хўжалиги коллективи сабзавоткорлар учун 10 миллион туп сара помидор кўчати тайёрлаб қўйган. Суратларда: парник хўжалиги бригада бошлиғи Э. Абдуллаев ва агроном О. Саидмуҳамедов помидор кўчатларини кўздан кечираяптилар; кўчатларни парвариш қилиш ва далага ўтқазиш учун тайёрлаш пайтлари.

Ф. Абдурасулов фотолари.

КАНОП ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

ПОЙТАХТ область лубкорлари 1978 ва 1979 йил баҳоридаги ғоят ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай муайян ютуқларни қўлга киритдилар. 1978 йилда 300 минг тонна, 1979 йилда эса 315 минг тонна каноп пояси етиштирилди ва давлатга сотилди.

Беш йилликнинг якунловчи йилида область лубкорлари 320 минг тонна каноп етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан юксак социалистик мажбурият қабул қилдилар. Айни кунларда каноп экиладиган барча хўжаликларда техника воситалари ишга шай бўлиб турипти. Агрегатларга далаларга ўғит ва гербицид сепадиган мосламалар осилмоқда, деҳқонлар экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

Зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун малакали механизатор кадрлар тайёрлаш, техника воситаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш лозим бўлади. Шунинг учун асосий масъулият хўжаликларнинг механизаторлари ва инженерлик хизматидаги ходимлари зиммасига тушади.

Ўзбекистон луб экинлари тажриба станциясида каноп-га ишлов бериш масалаларига оид бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилган ва қўлланиш учун тавсия этилган. Бироқ, бу агротехникага риоя қилиш билан бирга ҳосилдорликни оширишга имконини берадиган жуда кўп резервлар фойдаланилмай қолаётир. Айрим хўжаликларда эса, кўпинча, белгиланган тадбирлар тўла бажарилмаётир.

Ҳосил тақдири, энг аввало, уруғни қулай ва қисқа муддатларда сифатли экиб олиш ҳамда унинг ернинг табиий намига бир текис ундириб, тўла гектарлар ҳосил қилишга боғлиқдир. 1965 йилда канопнинг Ўзбекистон—1574, 1974 йилда эса Ўзбекистон—1503 навлари районлаштирилган эди. Ўзбекистон луб экинлари тажриба станцияси томонидан яратилган бу нав каноп ўтган йили 7 минг гектарга экилди. Яқин йиллар ичида каноп учун ажратилган ҳамма майдонларга шу навни экишни таъминлаш керак.

Канопнинг янги-янги сортларини экиш билан бирга унга ишлов беришнинг самарали агротехник усулларига, канопни алмашлаб экиш системасига киритилган ерларга экишга ҳам алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Бир майдоннинг ўзига узлуксиз каноп экиш тупроқнинг физик ва агрокимёвий таркибига акс таъсир кўрсатади, илдиз чириш ва бошқа касалликларнинг мунтазам тақрорланишига олиб келади. Натижада ҳосилдорлик кескин камайиб кетади. Каноп, пахта ва бедани алмашлаб экиш эса тупроқни соғломлаштиради, илдиз чириш ва бошқа хавфли касалликлар инфекциясини йўқотади. Бу ерга экилган пахта ва каноп ҳеч қандай касалликларга чалинмайди.

Ерлар эртa баҳорда бороналаб қўйилган бўлса ҳам бу тадбирни уруғ экиш олдидан яна такрорлаш зарур. Тупроқнинг юза қисми етилиши билан ёки агар зарур бўлиб қолса, ёғингарчилик бўлиб ўтгандан сўнг борона қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бороналаш ва экишдан авval ҳамма ерлар экин қолдиқлари ва кўп йиллик бегона ўт илдизларидан тўла тозаланган бўлиши керак. Тўла гектарлар ҳосил қилиш учун барча карталарнинг четлари чизелланиши ва чиғаноғ тўғри сепилиши лозим.

Экиш олдидан тупроқ кўнгилдагидек қайта ишланса бегона ўтлар бутунлай йўқолади, уруғ сифатли экилади, бир текис ва тўла униб чиқади. Бутун вегетация даврида эгатларда сув равон оқади.

Ҳар бир хўжаликда ерларни экишга тайёрлаш пайтида жами майдоннинг унумдор қисмидан 10 процентини уруғлик каноп учун ажратиш зарур.

Экиш олдидан майдонларга минерал ўғит солиш муҳим агротехник тадбир ҳисобланади. Қайси хўжаликда ерни шудгор қилишдан аввал минерал ўғит солинмаган бўлса, экишга тайёрғарлик кўриш пайтида бу ишни агротехник картограмма асосида амалга ошириш лозим. Минерал ўғитни культиваторлар ёрдамида 12—15 сантиметр чуқурликка солиш мақсадга мувофиқдир.

Эндигина униб чиққан ёш каноп ниҳолларининг илдиз чириш касаллигига чалиниши олдини олиш мақсадида ҳамма хўжаликларда экиш олдидан уруғлик қуёш яхши тушадиган текис майдончада 5—7 кун давомида киздирилиши лозим. Сўнгра бир тонна уруғ ҳисобига уч килограмм ТМТД препарати сепилади.

Гербицидлар экиш бошланмасдан аввал белгиланган норма бўйича ҳамма бригадаларга тарқатилиб қўйилади. Гербицид эритилган суюқликни тайёрлаш учун ҳар бир участкада зарур миқдорда идишлар ҳозирлаб қўйилиши, масъул кишилар ажратилиши ва улар билан инструктаж ўтказилиши лозим.

Сифатли тайёрланган уруғлик пухта созланган сеялкалар билан яхши ишлов берилган ва етарли миқдорда нам сақланган майдонларга экилгандагина тез ва бир текис униб чиқади. Бундай майдонларга уруғлик 3—4 сантиметр чуқурликка ташланиши керак. Агар уруғ чуқурроқ ташланса, униб чиқиши кечикади, бир қисми чириб кетади.

Каноп ҳосилдорлигини ошириш ва сифатли поя олишнинг муҳим шартларидан бири экиннинг бутун майдон бўйлаб бир текис жойлашишига, бир хил баландликда ва йўғонликда ўсишига эришишдир. Уруғлик каноп ресурслари бироз чекланган бу йилги шароитда бу масала янада муҳим аҳамият касб этади.

Баландлиги икки ярим метр, диаметри 7—11 миллиметр бўлган каноп тупларидан олинадиган луб энг яхши технологик хусусиятга эга ҳисобланади (агар каноп калта ва ингичка бўлса пўстлоғи яхши ажрамайди ва сифати бузилади).

Ҳар гектар майдонда 700—750 минг кўчат сақлаб қолинса ҳосил ҳам мўл бўлади, лубнинг технологик хусусиятлари ҳам талаб даражасида бўлади. Каноннинг бундай қалинликда ўсишини таъминлаш учун ҳар гектар майдонга 21—22 килограмм уруғ ташлаш лозим. Агар улар 100 фоиз униб чиқса, ҳосилдорлик 200—240 центнерга етади.

Уруғлик каноп учун ажратилган майдонларга фақат биринчи класс уруғ экиш тавсия этилади. Унинг 90 проценти униб чиқишини ҳисобга олган ҳолда ҳар гектар майдонга 8—10 килограмм уруғлик сарфланади. Ўрим давригача гектарларда кўчат қалинлиги 160—170 мингдан ошмаслиги керак.

Кўкпоя учун каноп-ни эгат оралиғини 90 сантиметр қилиб қўшқаторлаб экиш энг илғор усул ҳисобланади. Шунингдек, эгат оралиғини 60 сантиметр қилиб якка қаторлаб экиш ҳам яхши самара беради. Уруғлик учун эса 60x10 ва 90x5 сантиметр якка қаторли схема қўлланилади.

Маълумки, каноп-зорларда бир йиллик бегона ўтлар кўпайиб кетса, каноп кўчати сийраклашади, яхши ўсмайди. Оқибат натижада ҳосилдорлик камайиб кетади. Шунинг учун бир йиллик ўтларга қарши прометрин, которан ва трефлан гербицидларини қўллаш яхши самара беради. Бу гербицидларни экишдан олдин ҳам, экиш пайтида ҳам қўллаш мумкин. Масалан, прометрин гербицид экишдан 15 кун олдин сепилиб, ер бороналанса яхши наф беради.

Прометрин гербицидининг нормаси тупроқ шароитига қараб 60 сантиметрли схемада 25—30 сантиметр кенгликда, 90 сантиметрли схемада эса 35—40 сантиметр кенгликда сепилади. Бунда қуйидаги нормага амал қилиниши керак:

унумдорлик даражаси 3,2—4,1 процент бўлган қора тупроқ-бўз ерларда гектарига 60 сантиметрли схема учун 2—2,5 килограмм, 90 сантиметрли схема учун 1,94—2,22 килограмм;

унумдорлик даражаси 2,9—3,1 процент бўлган ботқоқли бўз ерларда 60 сантиметрли схема учун 1,5—1,7 килограмм, 90 сантиметрли схема учун 1,38—1,5 килограмм;

унумдорлик даражаси 2,5—2,9 процент бўлган ўтлоқ ерларда 60 сантиметрли схема учун 1,25—1,5 килограмм, 90 сантиметрли схема учун 1,10—1,38 килограмм;

унумдорлик даражаси 1—1,3 процент бўлган қўлранг бўз ерларда 60 сантиметрли схема учун 0,5—0,75 килограмм, 90 сантиметрли схема учун 0,44—0,66 килограмм.

Которан гербициди бўз тупроқли ерларда уруғ экиш олдидан ёппасига, экиш даврида эса лента усулида гектар ҳисобига 1—1,5 килограммдан сепилади.

Трефлан гербицидини эса уруғ экишдан бир ҳафта олдин ва экиш даврида ёппасига ҳамда лента усулида гектарига 1 килограммдан сепиш тавсия этилади.

Гербицидларни муваффақиятли қўллаш натижасида бир йиллик бегона ўтлар 75—80 процент камаяди, ҳосилдорлик 11—17 процент ошади.

Каноп ўсимлиги жуда хавфли ҳисобланувчи галловой нематод касаллигига тез чалинувчан экинлардан ҳисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бир картанинг ўзига кетма-кет каноп экилаверса, бу хавфли касаллик кўпайиб бораверади. Шунинг учун бир ернинг ўзига кетма-кет икки йилдан ортиқ каноп экиш тавсия этилмайди.

Каноп-зорларда галловой нематод касалига қарши қуйидаги агротехник усул тавсия этилади:

касалликка камроқ чалинган майдонга каноп бир йилда пахта ёки шоли билан алмашлаб экилади;

ўртача касалланган майдонларга 2—3 йил пахта ёки 2 йил пахта ва 2 йил маккажўхори экилади. Сўнгра бу майдонга кетма-кет икки йил каноп экиш мумкин;

галловой нематод касаллиги кучли бўлган ерларга камида тўрт йил пахта экилади. Ана шунда касаллик қолдиқлари мутлақо тугатилади;

касаллик тарқалган майдонларга 3—2 йил шоли экилса, бу ерга фақат бир йил каноп экиш мумкин;

галловой нематод касаллиги кучли тарқалган майдонларга беда, лавлаги, қовун-тарвуз ва сабзавот экинлари экиб бўлмайди. Чунки, бу экинлар касалликни янада кучайтириб юборади.

Бутун вегетация даврида қатор оралари бегона ўтлардан тозаланган ва доимо юмшоқ ҳолда сақланиши керак. Буннинг учун бир йўла озиқлантириш йўли билан 2—3 марта культивация қилиш ва бегона ўтларни юлиб ташлаш лозим.

Минерал ўғитлар каноп ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Кўкпоя учун экилган каноп-га бир йиллик норма қилиб гектар ҳисобига 220—250 килограмм азот, 150—190 килограмм фосфор ва 90—120 килограмм калий белгиланган. Бунда, айниқса, бир йиллик нормада белгиланган калий ўғитининг ҳаммасидан тўла фойдаланишга эътибор бериш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кўпгина хўжаликларда ўғит солиш муддати, усули ва техникаси бузилмоқда. Масалан, йиллик фосфор ўғитининг 50 процентини ерни шудгор қилишдан олдин солиш тавсия этилгани ҳолда бу тадбир баҳорги бороналаш олдидан амалга оширилаяпти. Натижада ўғитнинг самарадорлиги пасайиб кетаётир. Бундан ташқари ўғит солишнинг илғор усуллари ҳамма ерда ҳам кенг қўлланилмаётир. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, экиш даврида ҳар гектар ерга 25 килограмм азот ва шунча фосфор ўғити солинса, ҳосилдорлик 10—12 процент ошади.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги учун аммофос етказиб берилаётир. Таркибида азот ва фосфор озуқалари бўлган бу ўғитни экиш пайтида ерга солиш катта самаралар беради.

Кўп йиллардан бери каноп экилаётган майдонларга калий ўғити солиш шарт эмас, деган фикр ҳукм суриб келарди. Бироқ, ҳар йили каноп экини тупроқ таркибидаги 200—250 килограмм калий ўғитини ўзлаштиради. Натижада тупроқдаги калий элементлари кескин камайиб боради. Демак, каноп-зорларга ҳам калий ўғити бериб бориш шартдир. Маълумки, бир гектар ерга 90 килограмм калий солинса, ҳосилдорлик 10—12 центнерга кўпаяди.

Сифатли каноп пояси олишнинг асосий шартларидан бири ўрим пайтини тўғри белгилашдир. Кўкпоя учун экилган каноннинг техник жиҳатдан пишиб етилишидан беш кун аввал ва шу кундан беш кун кейинги давр оптимал муддат ҳисобланади. Чунки, худди шу даврда йиғиштириб олинган поя юқори сортли тола беради. Календарь бўйича бу муддат 30 август—10 сентябрь оралиғига тўғри келади. Агар ўримга олдинроқ киришилса, ҳосилнинг 20 процента, толанинг 13—15 процента йўқотилади ва сифати пасаяди.

Х. НАЗИРОВ,
Ўзбекистон луб экинлари тажриба станцияси директори.
Т. ДЕРКАЧ,
директорнинг фан бўйича ўринбосари.
Ф. САЙДБУРХОНОВ,
агротехника лаборатория мудири.

Мутахассислар маслаҳати

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



МОСКВА. Бауман номидаги фабрика коллективи В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақанн авж олдирмоқда. Корхонанинг 200 га яқин ишчи-си шу кунгача беш йиллик шахсий нормасини бажаришга аҳд қилиб ишламоқда. Суратда: илғор ишчи Л. И. Ионова. У нормадаги 10 та ўрнига 12 та машинани бошқариб, шахсий мажбуриятини шараф билан адо этмоқда.

В. Кунов фотоси. ТАСС фотохроникаси.



ЭСТОНИЯ ССР. Таллиндаги «Эстонпласт» заводи ёритгичлари ўзининг кўркамлиги билан ажралиб туради. Турли формадаги бу ёритгичлар жаҳоннинг 25 мамлакатига етказиб берилмоқда. Суратда: завод ходимларидан Реэт Лаатер ва Татьяна Кеэрд ёритгичларнинг янги намуналари ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Э. Таркпеа фотоси. ТАСС фотохроникаси.

СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИ ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИ, МУСОБАҚАГА ҚЎШИЛИНГ

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети янги ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш, мавжуд суғориладиган майдонларни капитал текислаш, суғориш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, асосий ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва фойдаланишга топшириш бўйича ўнинчи беш йиллик якунловчи йилига қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун сув хўжалиги қурилиши ташкилотлари ишини активлаштириш мақсадида улар ўртасидаги социалистик мусобақа шартларини тасдиқладилар.

Илғор коллективларни мукофотлаш учун Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг иккита кўчма Қизил байроғи таъсис этилди. Байроқларнинг биттаси Паркент канали зонасида қурилиш олиб бораётган ва янги ерларни комплекс ўзлаштираётган илғор коллективларга берилади. Иккинчи байроқ область сув хўжалиги қурилишининг бошқа объектларида ишлаётган илғор коллективларга берилади. Байроқ билан бирга 500 сўм пул мукофоти ва ишлаб чиқариш илғорларига сотиш учун битта енгил автомашина ажратилади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область суғориш шўъбалари бошқармаси, «Ташкентводстрой», «Паркентводстрой» трестлари, «Ташоблмелиноводстрой» қурилиш бошқармаси, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи область комитети, район комсомол комитетлари, сув хўжалиги қурилиши ташкилотлари раҳбарлари, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига социалистик мусобақа шартларини коллективларга етказиш, инчилар, инженер-техник ходимларнинг 1980 йилда қурилишни ва асосий ишлаб чиқаришга қувватларини фойдаланишга топширилишини жадаллаштиришда актив иштирок этишларини таъминлаш топширилди.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область телевидениеси ва радиоэшиттириш бош редакцияларига мазкур социалистик мусобақанинг боришини мунтазам ёритиш топширилди.

1980 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ УЧУН ОБЛАСТЬ СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИ ТАШКИЛОТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА

ШАРТЛАРИ

Область сув хўжалиги қурилиши ташкилотлари, колхоз, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлари КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этабориб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, 1980 йил ва умуман ўнинчи беш йиллик планлари ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун курашмоқдалар. Улар 6800 гектар янги ерни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик оборотига киритиш, 4500 гектар ерни капитал текислаш, 8300 гектар мавжуд суғориладиган майдонларнинг суғориш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларини бажаришга аҳд қилганлар.

Бу вазифанинг ўз вақтида бажарилиши область колхоз ва совхозларига суғориладиган майдонлардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларетиштиришни кўпайтириш имконини беради.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1980 йилги социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши учун сув хўжалиги қурилиши ташкилотлари коллективларининг ишларини активлаштириш мақсадида қуйидаги социалистик мусобақа шартларини эълон қиладилар:

Социалистик мусобақада «Паркентводстрой», «Ташкентводстрой» трестлари, «Ташоблмелиноводстрой» қурилиш бошқармасининг барча ишлаб чиқариш бўлинмалари иштирок этадилар.

— Янги суғориладиган майдонларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик оборотига киритиш, турар-жой, маданий-маиший объектлар, ишлаб чиқариш базалари қурилиши, мавжуд суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва капитал текислаш бўйича:

— тугалланган объектларни ва бажарилган ишларни босқичма-босқич фойдаланишга топшириш да;

— қурилиш-монтаж ишларида ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир ишчи ҳисобига иш бажарилишида;

— бажаришга ётган қурилиш-монтаж ишлари рентабеллигида;

— бригада пудрати ва янги техникани жорий этишда;

— пудрат ишлари, шу жумладан ўз кучи билан бажарилган ишларни ҳамда давлат капитал маблағлари сарфланаётган объектлар бўйича белгиланган планларни бажаришда энг юқори кўрсаткичларга эришган ҳамда календарь графигига риоя қилган қурилиш-монтаж бошқармаларн ва механизациялаштан кўчма колонналар социалистик мусобақа голиблари, деб топиладилар.

Социалистик мусобақага якун ясалаётганда қурилиш, ёнилги-мойлаш ва бошқа моддий ресурсларнинг иқтисод қилиниши кўрсаткичлари: иш сифати, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси талабларига риоя қилиниши, ишлаб чиқариш маданияти даражаси, ер қазувчи техникадан самарали фойдаланиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар кўнимсизлигини камайтириш ҳам ҳисобга олинади.

Социалисти мусобақага 1980 йил 1 майдан бошлаб ҳар ойда якун ясаб борилади.

Социалистик мусобақада энг юқори натижага эришган илғор коллективлар область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланадилар. Байроқ билан бирга 500 сўм пул мукофоти ва ишлаб чиқариш илғорларига сотиш учун битта енгил автомашина ажратилади.

Социалистик мусобақа якунлари ҳар ойда «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари саҳифаларида эълон қилиб борилади.

40 ЦЕНТНЕРЛИК МАРРАНИ КЎЗЛАБ

«Партия XXII съезди» колхозининг дала механизаторлари экиш ишларига зўр уюшқоқлик билан киришдилар.

Хўжалик далаларида бугун экиш агрегатлари шитоб билан жавлон ураётган экан, бу ана шу кўтаринки меҳнат кайфиятидан дарак бериб турипти.

Колхоз аршуносларн бу йил қарийб 2 минг гектар ерга «ок олтин» уруғи қадашади. Хўжаликка кўшни «Озод» колхози ерлари кўшилгач, умумий экин майдонлари янада кенгайди. Зиммадаги мажбурият ҳам деярли икки ҳиссага ортди. Пахтакорлар бу мавсум она-Ватан хирмонига 7 минг тонна кумуш зар тўкишмоқчи.

Кўклам дала ишларига барвакт киришган колхознинг Ниъмон Мусаев бошлиқ бригадасида чигит экиш, айниқса зўр уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Тракторчилардан Акбар Тўрахонов ва Гофир Ғозиев ўртоқлар бошлиқ экипажлар меҳнатда юксак суръатларга эришмоқда. Майдонларга туксиялантирилган «Тошкент-1» нав чигити ташлаш билан бирга тупроққа ўғит солиниб, гербицид билан ишлов ҳам бериб кетилмоқда. Бу йил бригада миришкорлари чигитни уяларга аниқ миқдорда тушиши, гектарларнинг тўлиқ бўлиши учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Э. Ҳожибоев, Ж. Йўлдошев, Г. Раҳмонова ва С. Сулаймонова сингари азаматлар меҳнат қилаётган бу бригада коллективи март ойи охирларидаёк маккажўхори экишни тугаллаб, бутун куч ва ғайратни эндиликда чигит экиш кампаниясини ҳам беш-олти кун ичида тез ва сифатли якунлашга қаратмоқда.

Пешқадам бригада аъзолари беш йиллигининг сўнгги йилида 110 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан эл хирмонига пландаги 35 центнер ўрнига 40 центнердан дурдона тўкишга қатъий сўз беришган.

Х. НОСИРОВ,
Оққўрғон райони.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Аҳолини чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришда корхона, ташкилот ва муассасалар ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш катта аҳамият касб этяпти. «Госкомсельхозтехника» ўртаовул районлараро ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Бу ёрдамчи хўжалик учун Свердлов номли совхознинг фойдаланилмаётган еридан бир гектар ажратиб берилиб, бу жойда қўйхона қурилди.

Ҳозир ёрдамчи хўжаликда 50 бошдан ортиқ қўй, 2 та қорамол бокиляпти. Уларни семиртиришда Эркин Абдувалиев ва Ғулиой Юнусалиевалар жонбозлик кўрсатишяпти. Ўтган йилнинг ўзида ёрдамчи хўжаликда етиштирилган 3 тоннага яқин гўшт ишчи-хизматчилар дастурхонига тортиқ қилинди.

Бу йил ёрдамчи хўжаликда 50 та совлиққа мўлжалланган янги қўйхона қурилади. Бу ердаги қўйлар 100 бошга етказилади.

В. БОБОХОНОВ,
Калинин райони.

«ЛЕНИННОМА» КОНКУРСИГА



ОППОҚ ШУЪЛАЛАР

ПУБЛИЦИСТ МИНБАРИ

Мен аёлман, онаман. Минглаб, миллионлаб бахти кулган аёлларнинг бириман. Ғунча янглиғ бир нозик юрак билан қўлига қалам тутган бир қуйчидирман. Бу қаламни менга буюк Ленин берди, бу қаламни менга бахтиёр замонамиз берди. устозларим берди. Азим элим юкини мўъжазгина елкам билан кўтариб, эл-юрт бахтини баҳоли—қудрат куйлаш орзуси юрагимда ҳамиша. Меҳнату, ардоқлардан мастона қиз-жувонлар бахти — менинг ҳам бахтим. Меҳри, оғуши офтобни ҳам эритолган, энг азиз ҳисларидан тароналар битаётган аёллар — менинг замондошларим. Уларнинг бахтидан, қудратидан сўзлагим келади.

Не-не суронлар ўтди, биз уларни кўрмадик. Не-не бўронлар тутди, биз улардан юрмадик. Мағрур салтанат дегани бизнинг иродамизни букканн йўқ. Бизлар деб қурол ушлаган оналар, оталаримизнинг курашларидан яраллди бу замона. Саҳоватли рус оғам, падари бузрукворим улуғ Ленин менинг юртимга тинчлик, толе олиб келди. Менинг қўлларимга курашчан, ўтли қалам берди.

Бизнинг алёримиз, алламиз, қўшиғимиз энди уй ичкарисидан эмас, олам аро жаранглайди. Эрта тонглар қўёш билан юзма-юз бораётган ишчи, бинокор. тўқувчи аёлларнинг қўшиғи бу.

Суронларнинг багрида қад кўтарган Шарқ аёллари бошидан паранжи — чачвонлар сирғалиб тушди. Қисматнинг лойқа дарёларида оқдилар у чачвонлар.

Бизларга минбар узра сўз айтмоқ бахти қайда эди. Маҳалланинг торгина йўлагидан ҳатлолмаган аёл довруғи бу кун сарҳадлар ошиб дунёга таралди.

Давлатнинг ишига бош қўшмоқлик бахти қайда эди бизларга. Бу бахтни ҳам бизга улуғ Ленин берди. Аёл тор туйнуклар остидан юлдуз санарди, халос. Кўкракка олтин юлдуз тақмоқ бахти қайда эди. Бу юлдузни ҳам бизга Ленин замонаси берди.

Аёллар далада, дастгоҳлар қошида, қурилишларда, чўлқуварлар сафида.

Меҳнат, зафарлар китобини. демакки, тарих китобини битаётган аёлларимизга муносиб сўз айта олдикмикин? мени бу ерга. Бу ердан янги орзулар, ё ҳаёллар билан қайтаман. Она юртим камолини, жамолини куйлагим келади. Ширин ҳаёллар ардоғига олади яна.

Эрта тонглар бораман қуёш билан изма-из
Дастгоҳимга толеим, истиқболла юзма-юз.
Ишчи каби муаззам бинога бир ғишт қўйсам,
Наққош каби кошинга бирор бир нуқра ўйсам,
Миллионларнинг сафида айтар эдим ўрним бор,
Мен оддий бир онаман, лекин
Бахтиёр аёл.

Қачонлардир меҳнат — машаққат эди. Энди у роҳатга айланди. Меҳнат энди шеър, ғўзаллик, кашфлар демакдир. Сармояга асир бўлиб меҳнат машаққатида қадди дол бўлган одам бугун қаддини тиклади. Йўқ. бу сўз озлик қилади. Унинг кўкрагида «Қизил юлдуз» порлаб турибди. Кўксида «Қизил юлдуз» порлаганларнинг кўпчилиги аёллардир. Уларни санаб адо қилиб бўлмайди. Мана улар — Турсуной, Инобатхон, Адолатхон, Саодатхон...

Аёлларимизнинг юзида, қалбида, шуурида ана шу «Қизил юлдуз»нинг шуъласи. Замонамиз меҳнат кишисини эъзозларнинг аршига кўтаради. Меҳнат кишисининг истиқболи яна кенгайди, қулоч ёйди. Аёлларимизнинг ана шу истиқболларининг кенг ва ёруғ уфқларига пешвоз чиқмоқдалар.

Қачонлардир бахт инсонийятнинг армони эди. Бахт энди бизнинг таржимаи ҳолимизга айланди. Ана шунинг учун ҳам меҳнат йўли доимо иқбол манзилига элтувчи йўлдир.

1980 йил одим отмоқда, аёлларимиз ҳам ёшариб, кучга тўлиб, зеболаниб боряпти. Одамларнинг улуғвор орзулари, уларнинг яшариш йўлидаги ёруғ чироғидир. Бизнинг йилларимиз ўтиб кетмайди. Улар биз ёққан чироқларда, биз кўрган иншоотларда, биз битган расолаларда қолади.

Аёллар далада, дастгоҳлар қошида, қурилишларда, чўлқуварлар сафида.

Меҳнат, зафарлар китобини. демакки, тарих китобини битаётган аёлларимизга муносиб сўз айта олдикмикин?

Биз ҳам меҳнат соҳиблари сингари ўз асарларимизни реза-реза тер билан, тўйгу билан оташин сўз қудрати билан йўғдирсак деймиз. Биз бунга интиламиз, орзу қиламиз. Асарларимизнинг оддий қалам билан эмас, қалб қалами билан битмоқликни орзу қиламиз.

Минг-минглаб ташаббус ижодкорлари бўлган аёллар меҳнатини улуғламоққа бурчлимиз. Чўлларга ҳаёт ва қўшиқлар элтаётган қизларимизнинг образини яратиш зиммамизда турибди, деб ўйлайман. Улар замон ёр-ёрларининг замон қўшиқлари, биз ёзажак расолаларнинг қофияси, радифи, авж пардасидир. Ёзувчи қалбига ором бермагувчи соҳиби илҳомлар ана шулар. Меҳнат ва зафарлар китобининг зарварақларини битаётган Инобатхон «оқ олтин» хирмонларини бунёд этаётган Турсуной, 1982 йиллар ҳисобига меҳнат қилаётган Лидия, Мунаввархон, Буолмахонлар қалбидаги орзуларни қаламга олмоқ ҳаёли тинчитмайди бизни.

Улар нигоҳ қадаётган ғўзалликлар, эзгуликлар, улуғворликлар уфқига кўз ташлашимиз лозим. Уларнинг онаюрт, она-тупроққа бўлган ихлосини, муҳаббатини қаламга олмоқ лозим.

Бизга замондош бўлган инсон, аёл фақат меҳнат кишиси эмас, меҳру-муҳаббат кишиси ҳамдир. У ихтиролар, инқилоблар соҳиби. Лекин унинг кўксида қайноқ юрак уриб турибди. Ана шу юракка ошно бўлмоқ. ана шу юракнинг қайноқ нафасидан баҳраллр олмоқ, унинг нозик адолатини тингламоқ керак. Уни тасвир ифасига тизиб олмоқнинг уддасидан чиқмоғимиз керак. Аёлнинг нозик юраги, нозик нигоҳи, нозик қарашларини англаб олмоқ салоҳияти керак бунинг учун. Бу муҳаббатнинг, бу юракнинг тасвири ҳам ўзидек нозик бўлмоғи даркор.

Бугунги кунда Ўзбекистонимиздаги оддийгина, кичкина қишлоқ йўли, сўқмоғи бепоён Ватанимизнинг кенг магистралларига бориб туташар экан, пахтакор аёлнинг овози катта минбарлардан жаранглаб эшитилар экан — бу ана шу дўстликнинг қудратидан, қардошликнинг турфа сеҳрларидандир. Ўзбек аёли бугун ўз оғасига фақат пахтасигина эмас, шоҳи атласини, фахри камоли — шеъриятини ҳам кўрсатиб ҳисоб бериш бахтига эга. Демоқчиманки, бизнинг китобларимизни эндиликда Иттифоқ ўқувчилари ҳам ўқимоқдалар. Улуғ Пушкин, Маяковский, Горький дарсхоналарида таҳсил кўрган Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзодаларнинг шеърияти қаторида бизнинг ҳам шеъриятимиз Иттифоқ ўқувчиларига етиб бормоқда. Бу — Ленин айтган сўзларнинг тантанаси, халқлар дўстлиги, адабиётлар дўстлигининг тантанасидир.

Бизни аллалаган, йўргакда эканимиздаёқ қалбимизга гўзаллик сола билган, бизни куйлашга ўргатган муҳтарам аёллар, оналаримиз. Уларни улуғламоқ бурчи ҳамиша бизни беором қилиб келади.

Бизнинг юртимизда гуллар ўсади, орзулар кўкаради, инсон ўз номи, ўз меҳнати, ҳайрли ишлари, орзулари билан улуғланади. Лекин дунёнинг ҳамма чекkаларида ҳам гуллар ўсмайди, Она—замин нотинч. Солдат шинели ҳозирча супрага айланганича йўқ. Солдатлар қуроли қўлда, ўзлари посбонликда турибдилар. Тинчлик мавзуси, урушга нафрат мавзуи кун тартибида турибди.

Чилининг ватанпарвар шоири Пабло Неруданинг энг сўнгги шеърларидаги сатрлар ёдимга келади:

Юрагим менинг мисоли шамшир
Курашда уни қўлга олингиз.

Дарҳақиқат, ҳар бир шоир, ҳар бир ижодкорнинг юраги, қалами шамшир бўлмоғи даркор. Негаки, тинчлик мавзуи, урушга нафрат мавзуи «такрор ва такрор тилга олинмоқда.

Урушнинг нима эканлигини биз аёллар, оналар яхши биламиз. У бизнинг қўшиқларимизга, аллаларимизга, кулгуларимизга соя солади. Уруш туфайли оналаримиз фарзанд доғи деган аччиқ фарёдни биладилар.

Бахтга баҳо йўқ дейдилар. Ажойиб нурафшон шу кунларимизнинг ҳар сониясини олтин тарозуда ўлчагинг келади. Негаки, бу сонияларда, ҳаяжонларда, воқеаларда, ихтироларга тўлиқ.

Сабзалар кўксидаги шабнамдан тортиб, океан кўксидаги ғалаёнларгача биздан,—қалам аҳлидан таъриф ва тавсифларни кутади. Ҳар нарсада мислсиз ғўзаллик бор.

Фидоий ўзбек аёлларининг бугунги кундаги меҳнат, яратувчанлик симфониясини яратмоқ, ёрқин тақдир эгалари ҳақида расолалар битмоқ бизнинг энг севимли ва муқаддас мавзуимиз бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Эътибор ОХУНОВА.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

АХДП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

КОБУЛ, 14 апрель. (ТАСС). Бу ерда Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитети Бош секретари раислигида АХДП Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум Апрель революциясининг ғалабаларини, демократия, тинчлик, озодликни ҳимоя қилиш масалаларига бағишланди. Пленум кун тартибидаги масалалар жипслик вазиятида муҳокама қилинди.

Пленумда АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари Бабрак Кармал доклад қилди.

Бахтар агентлигининг хабар беришича, пленум АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг АДР министрлар кенгашининг Афғонистон Демократик Республикасининг асосий принциплари тўғрисидаги таклифини маъқуллади. Бу таклиф узил-кесил тасдиқлаш учун АДР революцион кенгашига топширилди. Асосий принциплар исломни, миллий анъаналарни ва мамлакатнинг урф-одатларини, халқнинг кенг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилишни, демократияни таъминлашни ўз ичига олади.

Пленум иштирокчилари Афғонистон Халқ Демократик партиясининг уставини, шунингдек партиянинг ички ҳаётига доир баъзи таклифларни тасдиқладилар.

ТАЗЙИҚ ВА ПЎПИСАГА БЎЙИН ЭГДИЛАР

САН-ФРАНЦИСКО, 13 апрель. ТАСС мухбири В. Чернишев хабар қилади:

АҚШ миллий олимпиада комитети (МОК) Оқ уйнинг мисилсиз тазйиқи ва пўписасига бўйин эгиб, президент Ж. Картернинг 1980 йилги олимпиада ўйинларида қатнашишдан воз кечиш тўғрисидаги талабини қўллаб-қувватлаш юзасидан Вашингтон маъмуриятига маъқул келадиган қарорни қабул қилди. Жуда кўпчилик спортчилар, мамлакатнинг кенг жамоатчилик доиралари атлетикачилардан президент Картернинг сайловолди кампаниясидаги сиёсий найрангидан фойдаланишга кескин қарши чиққан бўлишларига қарамай, МОКнинг Колорадо-Спрингс ёпиқ тарзда ўтказилган мажлисида 797 овозга қарши 1604 овоз билан мана шу қарор қабул қилинди. Оқ уй ўз айтганини қилдириш учун машъум маккартизм замонлари руҳида иш кўрди. 1980 йилги олимпиадада қатнашиш тарафдори бўлиб чиққан спортчилар ва спорт раҳбарлари «миллий манфаатларга хиёнат қилдилар, деб ошкора айбланди, уларга ҳар хил юридик ва молиявий жазолар беришди, деб пўписа қилдилар. Оқ уйнинг башарти МОК олимпиадада қатнашишдан воз кечиш учун овоз берса, «унинг бюджетига миллионлаб доллар ажратилади». деб ваъда қилинганлиги ҳам МОКнинг қарорида ўз ролини ўйнади, деб уқтиради ЮПИ агентлиги.

Оқ уйнинг сиёсий ғаламисликлари қурбони бўлишни истамаётган америкалик спортчилар МОКнинг қароридан ҳаққоний норозилик билдирмоқдалар. АҚШ миллий олимпиада комитети ижроия комитетининг аъзоси Анита Дефранц бундай деди: АҚШ МОКи олимпиада учун команда тайёрлашдан иборат бўлган ўз вазифасини бажармади, бошқа ҳар қандай қўшимча ҳаракатлар унинг ўз уставини бузади.

«Қарор қабул қилган кишилар ишнинг тафсилотини тузуккоқ тушуниб олмай, президентнинг буйруғини бажардилар, деди олимпиада чемпиони Р. Милберн.— Бизнинг ҳукуматимиз бизнинг манфаатларимизга хилоф иш қилмоқда».

Таниқли марафончи У. Рожерс «АҚШ спортчилари олимпиада комитетининг барча аъзоларини истеъфога чиқишга мажбур қилишлари лозим»,— деди. Менинг фикримча, деди у улар характери жиҳатидан спорт ишларига ҳеч қандай ирқий, диний ёки сиёсий аралашувга йўл қўймайдиган ўз ишларидан воз кечишлари керак. «Америка спорти шу қадар тубан савияга тушиб қолган бошқа бирон ҳодисани эслай олмайди, деди у. Рожерс спортчиларни «бирлашишга ва МОК аъзоларининг албатта истеъфога чиқаришга» чақирди.

Халқаро Олимпиада Комитетидаги Америка вакилларидан бири — Ж. Рузвельт Колорадо-Спрингсдаги қарорни «даҳшатли қарор» деб атади. Бу қарор 1984 йилда Лос-Анжелесда ўтказиладиган олимпиада ўйинларига бевосита хавф солади, деди у.

Мен, деди у, Халқаро Олимпиада Комитети ҳозир АҚШ миллий олимпиада комитетини тан олмасликка ҳақлидир, деб ҳисоблайман.

«Нью-Йорк таймс» газетаси олимпиадага қатнашиш учун овоз берган спорт арбобларининг ҳам, Оқ уйнинг тазйиқига бўйин эгган кимсаларнинг ҳам кайфиятини тавсифлаб, «кайфият тўғрисида савол бермаган яхшироқ эди — уларнинг ҳаммалари ўзларини бахтсиз деб ҳис этдилар», деб ёзади.

ЛИБЕРИЯНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ЛОНДОН, 14 апрель. (ТАСС). Монровиядан олинган хабарларга кўра, у ерда Либериянинг ҳарбий ва граждан шахслардан иборат янги министрлар кабинети тузилганлиги эълон қилинди. Давлат тўнтариши натижасида қамоқдан озод қилинган тараққийпарвар халқ партияси раиси Габриэль Мэтьюс ташқи ишлар министри лавозимига тайинланди. У шу йил март ойида оппозициядаги тараққийпарвар халқ партиясининг бошқа аъзолари билан бирга қамоққа олинган эди.


Янги ҳукумат составига шунингдек тараққийпарвар халқ партиясининг бошқа раҳбар арбоблари кирдилар. Жумладан, Чиа Чнапо юстиция министри, Оскар Киах маҳаллий бошқарув министри лавозимини олди. Африкада адолат учун кураш ҳаракатининг раиси Тогба Типоте планлаштириш ва экономика министри бўлди.

РЕАКЦИЯГА ЙЎЛ ЙЎҚ

ЛИССАБОН, 14 апрель. (ТАСС). Ер ислоҳоти проблемаларига бағишланган тўртинчи конференция Эвора шаҳрида ўз ишини давом эттирмоқда. Маъмурларнинг халқнинг мана шу энг муҳим революцион ғалабасини тугатиш йўлидаги уринишларига қарши ер ислоҳотини ҳимоя қилиш учун кураш ҳаракатини кучайтириш масаласи конференция кун тартибида асосий масала бўлиб турибди.

Алентежу кооперативлари ва коллектив хўжаликларининг, сиёсий партиялар, касаба союзлари ва жамоат ташкилотларининг конференцияга келган 2500 дан кўп делегатлари реакциянинг йўлини тўсишга, Португалия қишлоқларида прогрессив ер ислоҳотини қатъиқ туриб ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга азму-қарор қилганликларини айтдилар.

Кейинги ҳукуматлар иш кўрган даврда қарийб 250 минг гектар ер, минг-минглаб қишлоқ хўжалик машиналари, жуда кўп чорва моллари Алентежу деҳқонлари қўлидан тортиб олиниб помешчикларга берилганлиги конференцияда қайд этилди. Натижада 50 дан кўп кооператив ва коллектив хўжаликлар тарқалиб кетди, меҳнаткашлардан 28 минг киши ишсиз қолди.



Бразилиянинг Баия штатида Совет Иттифоқи ёрдами билан қуввати бир миллион киловаттдан ортиқ бўлган «Собрадинью» гидроэлектростанцияси барпо этилмоқда. Гидроэлектростанциянинг биринчи агрегати ток бера бошлади. Ҳозир иккинчи агрегатда ҳам сўнгги монтаж ишлари олиб борилмоқда. Бразилиялик ишчилар билан бирга қурилишда совет мутахассислари ҳам меҳнат қилишмоқда. Суратда: ГЭС қурилишида.

Г. Петров фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТАБИАТ ОЛАМИДА

ҚУШЛАР БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ

Баҳор дов-дарахтларни яшил либосга буркади. Шоҳдан-шоҳга қўниб учаётган булбулларнинг хониш-ю, уларга жўр бўлаётган турли қушларнинг овозлари эрта тонгдан кечгача тинмайди. Қўшларнинг гўзал тобланиши, ёқимли овози боғ-роғларимизни янада файзли, тароватли кўрсатади. Баҳорда улар ўзлари учун ин қурадилар, тухум қўйиб бола очишади.

Кузатишлар натижасида чуғурчуқ ҳар гал ўз уясига учтадан чигиртка олиб келиши аниқланди. Агар ҳар бир чигиртканинг оғирлиги ўртача 3 граммдан келса, бир жуфт чуғурчиқ ўз полопонларини боқиш учун кунига 360 грамм ана шундай озуқа келтиради. Бу ёғи оддий арифметика. Ўша жуфтлик бир ойда 10 килограмму 800 грамм зараркунандани қуритади.

Яна бир мисол. Япалоқ қуш (бойўғли) бир ёзнинг ўзида мингга яқин каламуш ва сичқонларни қиради. Демак, бу қуш воситасида бир неча центнер, дон сақланиб қолади. Қизилиштон бу соҳада бошқа қушлардан ўтса ўтадики, лекин қолишмайди. У бир сутка давомида ўз болалари учун турли зараркунандалардан иборат озуқани 300 мартага яқин келтиради. Боққа қўнган бир жуфт читтак эса 45—50 дарахтни зараркунандалардан тозалайди.

Шундай экан, биз қушларни авайлаб асраб, уларнинг нормал ҳаёт кечиришлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришимиз керак.

Лекин шуни ҳам қайд этиш керакки, шўхлик ва бебошлик қилиб қушлар уяларини бузаётган, уларга тош отаётган болалар ҳам йўқ эмас. Бундай ножўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш кенг жамоатчилик ишидир. Шундай экан, болалар ўртасида қушларни асраш ва кўпайтириш кони — фойда эканлигини уқтириб бориш яхши самара беради. Уларнинг маънавий дунёқарашини ўстиради. Осмон ўпар хирмонимиз, кўз илғамас ўрмонларимиз, шарбатга бой боғ ва роғларимиз янада серфайз, баракали бўлади.

И. САРИМСОҚОВ.
педагог.

ҚАТРА ХАНДАЛАР

Раис бригадирга ўқиди:
— Нима учун хотинингни далага чиқазмайсан?
— Агар у ишлайдиган бўлса, сизнинг аёлингиз уйда зерикиб қолади-да, раис бува.

* * *

— Биродар, соатингиз тўғри юрадими?
— Йўқ, айланиб юради.

* * *

Беморнинг уйига келган врач ундан сўради:
— Қаерингиз оғрияпти?
— Буни сиз бидишингиз керак-да, — тажанг ҳолда жавоб берди бемор.
— Ундай бўлса ветврачни чақиринг. У сиздан ҳеч нима сўрамасдан диагноз қўя олади.

* * *

— Жонгинам, қайнатма шўрвангнинг гўшти пишмабдими, дейман. Ҳеч чайнай олмаяпман? — деди эр.
— Китобда кўрсатилганидай қилдим, дадаси. Мана, ўзингиз ўқиб кўринг. «Бир килограмм гўштни ярим соат қайнатиш керак», деб ёзилган. Мен ярим килограмм гўштни 15 минут қайнатдим.

Туркманчадан Н. УСМОНОВА таржимаси.

БОШ ПЛАН АСОСИДА

Бўка район марказини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш давом эттяпти. Ҳозир бу ерда 600 ўринли маданият саройи, қишлоқ хўжалиги техникумининг янги биноси қурилиши жадал олиб борилмоқда. Район марказидаги Улуғ Ватан урушида халоқ бўлган бўкаликлар хотирасига ўрнатилган меморнал комплексини ободонлаштириш ишлари ҳам кучайтириб юборилган.

Яқин йиллар ичида район маркази ёнида меҳнаткашлар дам олиш зонаси ташкил этилади. Бу ерда ҳозир мингдаб туп мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилиб, гулзорлар ташкил этиляпти. Шунингдек, янги турар-жой бинолари қурилиши ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда.

М. ЗАРИПОВ.

Спорт

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Олий лига командалари ўртасида мамлакат футбол чемпионатининг икки туридан сўнг Минск «Динамо» командаси турнир жадвалини бошқариб бормоқда эди. Улар, айниқса, сўнгги ўйинни жуда уюшқоқлик билан ўтказишди. Бокуда маҳаллий «Нефтчи» командаси дарвозасига тўрт марта жавобсиз тўп киритишди.

Чемпионатнинг учинчи турида динамочилар ўз майдонида пахтакорчиларни қабул қилдилар. Ўйин майдон эгаларининг тўла устунлигида бошланди. «Пахтакор» ҳимоячиларн рақибларининг шиддатли ҳужумларини қайтариб туришди. 30-минутда динамочи Сокол қулай вазиятда дарвозабон Яновский билан яккама-якка қолган эди. «Пахтакор»нинг ҳимоячиси жарима майдончасида ҳужумчини тепиб йиқитишдан бошқа илож топа олмади. Москвалик судья В. Бескаров ўн бир метрлик жарима тўпини белгилади. Дарвозабон ва ҳужумчи баҳсида Прокопенко ўз командасини олдинга олиб чиқди.

Дарвоқе, учрашув судьяси матч давомида яна бир марта ўн бир метрлик жарима тўпи белгилади. Бу сафар майдон эгаларининг дарвозабони ўйин қондасини бузди. Лекин, «Пахтакор» командаси капитанн Нечаев қулай имкониятни қўлдан бой берди. У тепган тўп дарвоза тўсинига тегди.

Муваффақиятсизликдан сўнг ҳужумга зўр берган пахтакорчилар кетма-кет ҳавфли вазият вужудга келтирдилар. Ана шундай вазиятларнинг бирида ярим ҳимоячи Низом Нортожиев аниқ ҳаракатлар қилиб, ҳисобни тенглаштирди.

Олий лигада биринчи йил иштирок этаётган умидли ярим ҳимоячи Низом Нортожиевнинг ўйинлари кўп сонли футбол мухлисларини қувонтираётир. У ҳар бир ўйинда тўп киритиб, рақиб дарвозабонларини доғда қолдирмоқда.

Учинчи турда энг йирик ҳисоб Москвада қайд қилинди. ЦСКА ўз майдонида «Шахтёр»га 1:3 ҳисобида ютқазиб қўйган бўлса, «Спартак»—3:0 ҳисоби билан «Карпат»ни маглубиятга учратди. «Локомотив» — СКА учрашуви 2:2 ҳисобида тугади. Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Қайрат» — «Арарат» — 1:1, «Зенит» — «Нефтчи» — 1:0, «Торпедо»— «Черноморец» — 1:0, «Кубань» — «Динамо» (Тб)—2:2, «Динамо» (М)—«Динамо» (К) —1:0.

Уч турдан сўнг командаларнинг турнир жадвалидаги ўрни қуйидагича:

Командалар	Ю	Д	М	Т	О
«Шахтёр»	2	1	0	7—3	5
«Динамо» (М)	2	1	0	4—2	5
«Динамо» (Мн)	1	2	0	5—1	4
«Динамо» (Тб)	1	2	0	5—2	4
СКА	1	2	0	4—3	4
«Динамо» (К)	1	1	1	5—3	3
«Спартак»	1	1	1	4—2	3
«Пахтакор»	1	1	1	3—3	3
«Арарат»	1	1	1	2—2	3
«Қайрат»	1	1	1	3—4	3
«Зенит»	1	1	1	3—4	3
«Торпедо»	1	1	1	1—2	3
«Локомотив»	0	3	0	4—4	3
ЦСКА	1	0	2	3—7	2
«Кубань»	0	2	1	2—3	2
«Черноморец»	0	2	1	1—2	2
«Карпат»	0	1	2	1—5	1
«Нефтчи»	0	1	2	0—5	1

«Пахтакор» навбатдаги тур ўйинларини сафарда — «Зенит» командасига қарши ўтказади.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
25 АПРЕЛДАН БОШЛАБ
ЯНГИ ПРОГРАММА
«КЎЗГА КЎРИНМАС ОДАМ»
ФАНТАСТИК-САРГУЗАШТЛИ АТТРАКЦИОН
«ЖАВОҲИРЛИ ТИЛЛА ТАЁҚЧА» халқаро мунофотининг эгаси, халқаро сеҳргарлар академиясининг профессори, Бутуниттифоқ кўригининг лауреати, РСФСРда хизмат кўрсатган артист
ОТАР РАТИАНИ
Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.
Касса соат 10.00 дан ишлайди.
44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича коллектив заявкалар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ 21-ОРЖОНИКИДЗЕ ҚИШЛОҚ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1980—81 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
қуйидаги ихтисослар бўйича
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Кичик ветеринар фельдшер (8-синфни битирганлар учун ўқиш муддати—3 йил, 10-синфни битирганлар учун 1 йил), чорвачилик фермаси механизатори, мевасабзавотчилик бўйича мутахассис, кенг ихтисосли трактори-машинист (шофёрлик ва слесарлик гувоҳномаси билан).
Ўқувчилар стипендия, уч маҳал иссиқ овқат, ётоқхона ва кийим-бош билан таъминланадилар.
Ўқиш муддати 3 йиллик группага — 8-синфни битирган йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқишни тугатганларга диплом бериладн. Ўқишни аъло баҳолар билан битирганлар имтиҳонсиз олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқига эга бўладилар.
Адрес: Тошкент область: Оржоникидзе райони, «Геофизика» посёлкаси (1, 16, 62-автобусларнинг «Троицкий муюлиши» бекати).

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Сизга манзур шеърлар. 10.35 — Сел. Бадиий фильм. 11.40 — Ҳужжатли фильмлар. 12.05 — И. С. Бах. Фильм-концерт. Концерт тугагач янгиликлар. 14.55 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — Ёш спортчининг катта майдони. 16.30—Чашма. Фильм-концерт. 17.00 — Қишлоқ бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. 17.30 — Мунозара — клуб. 18.40 — Қишлоқ: ишлар ва муаммолар. 19.10 — Дунё воқеалари. 19.25 — Котти Клавихо рақсга тушади. 19.45 — Врач суҳбатлари. 20.15 — Сарсонлик сергардонликда. Бадиий фильм. 10-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Санъат усталари. Кўрсатув тугагач дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

18.20 — Ёш куч. 18.50 — Миллионлар ленинча университети. 19.10 — Ленин алъбоми. 19.30 — Ахборот. 19.45 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ёш ижрочилар концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Чигитни тез ва соз экайлик. 22.20 — Интернационал шеърият кечаси.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Она тили. 20.55 — Реклама. 21.10 — Физика. 22.10 — Она шаҳрим — Тошкентим.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15|IV да **Кўрмайин босдим тиконни,** 16|IV да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16|IV да **Нурхон.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15|IV да **Отасининг қизи,** 16|IV да **Тинчасин соз.**

Тошкент область ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг раҳбарлиги, партия ташкилоти ва шахсий состави Бўстонлиқ район ижроия комитети ички ишлар бўлимининг собиқ бошлиғи, истеъфодаги милиция подполковниги

Худойберган Ғуломович ТОЛИПОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325643; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; маданият — 325553; фотомух бир — 325894.

Р. 01921. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашрмётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1585. 34